

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyga - الماتريدية - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра муdiri

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари
бўйича қўмитасининг 2024 йил 24 июлдаги
03-07/4457-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фахриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

Jamoliddin Karimov.

Сўнгги йилларда Имом Мотуридий меросининг юртимизда ўрганилиши: эришилган натижалар ва истикболдаги режалар 4

ИСЛОМШУНОСЛИК

Soatmurod Primov.

Мовароуннахрлик илк мутакаллимлар фаолияти 11

Doston Mustafayev.

XIV–XV асрларда Мовароуннахрда ёзилган Қуръон илмларига оид асарлар таҳлили 20

Sunnatulla Abdullayev.

Усул ал-фикҳ илмида Рукнуддин Убайдуллох илмий меросининг аҳамияти 30

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Bekzodbek Mukhtarov.

XI–XII асрлар Мовароуннахр ханафий фикҳига оид асарлар таҳлили 38

Muhammadnur Murodkhonov, Nigora Yusupova.

Islom huquqi tizimida inson huquqlari 46

Mokhira Jumaniyazova.

Oilada xotin-qizlar va bolalarga qarshi zo‘ravonlikni oldini olishda islom ta‘limotining ahamiyati 53

Najmiddin Hafizov.

Abu Hafs Nasafiyning fiqhga oid asarlari 61

ДИНШУНОСЛИК

Dilafruz Turdiyeva.

Malayziyada diniy-dunyoviy muvozanatni saqlashda davlatning o‘rni 70

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

Oybek Sotvoldiyev.

Ибн Саъднинг «ат-Табакот ал-кубро» асарида аёллар биографиясининг ёритилиши 78

Abdurashid Askarov.

Balog‘at ilmining rivojlanishida Sa‘duddin Taftazoniy asarlarining o‘rni 84

Ahmadkhon Rashidov.

«Шотибия» асарига ёзилган араб тилидаги шарҳлар 94

Begzod Bakirov.

«Navobig‘ al-kalim» asari balog‘atiga xizmat qilgan leksik vositalar va unda qo‘llangan tajnis (jinos) san‘ati 104

Bekzodbek M. MUKHTAROV,

Senior Lecturer of the International

Islamic Academy of Uzbekistan

PhD on Historical Sciences.

A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: abdulbosit.2014@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-2/5

**XI-XII ASRLAR MOVAROUNNAHR
XANAFIY FIQXI GA OID ASARLAR
TAHLILI**

**ANALYSIS OF WORKS ON HANAFI
JURISPRUDENCE OF MAWARANNAHR
OF XI-XII CENTURIES**

**АНАЛИЗ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ПО
ХАНАФИТСКОМУ ФИКХУ
(ЮРИСПУНДЕНЦИИ) МАВЕРАННАХРА
XI-XII ВЕКОВ**

КИРИШ

Мовароуннахрда ханафий мазхаби Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/815 й.) ва Абу Ҳафс Кабир Бухорий (ваф. 216/831 й.)лар орқали тарқалган. Уларнинг ўлкадаги фаолияти натижасида Самарқанд, Бухоро ва Насафда калом ва фикх мактаблари юзага келган. Устоз-шогирд анъанаси асосида фаолият олиб борган мазкур мактабларда ислом илмларининг Куръон, ҳадис, калом, фикх, тарих, тасаввуф каби соҳалари ривожланган. Жамиятда мавжуд ижтимоий масалаларга доир саволга жавоб бериш ва муаммоли масалаларга ечим топиш натижасида ўлкада ханафий фикҳи ҳам ривож топиб, ислом ҳуқуқига оид кўплаб асарлар таълиф этилди ҳамда фақиҳлар етишиб чикди. Тадқиқотчилар Мовароуннахр фикҳ илми тарихини турлича даврлаштиришган. Улар орасида А.Мўминовнинг фикри аҳамиятга молик бўлиб, унга кўра, XI–XII асрлар Мовароуннахр фикҳининг классик даври ҳисобланади. Мазкур даврда ўлкада фикҳ илмининг турли соҳаларида мўътабар асарлар ёзган уламолар фаолият олиб боришган. Шу билан бирга, ислом фикҳининг турли соҳаларига оид асарлар ёзилиб, уларнинг назарий-методологик асослари шаклланди.

Мазкур мақолада XI–XII асрлар Мовароуннахр ханафий фикҳига оид асарлар ва уларнинг

услубларини таҳлил этиш мақсад қилинган. Бугунги кунга қадар ханафий фикҳ илмидан назарий масалалар ечими ва баёнида асос бўлиб келаётган методларнинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилиши белгиланган.

МУҲОКАМА

Усул ал-фикҳ илми шариатнинг асосий манбаларидан шаръий ҳукмларни ишлаб чиқиш қоидаларини ўзида жамлаган бўлиб, бу борада ханафий мазхаби фақиҳлари томонидан 50 га яқин асарлар битилган. Улардан асосийлари XI–XII асрларда Мовароуннахр уламолари томонидан ёзилган бўлиб, улар бугунги кунга қадар усул илмидан қўлланма вазифасини бажаради.

Мазкур даврда ёзилган усул илмига оид асарлар орасида Али ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо Паздавий (ваф. 482/1089 й.) қаламига мансуб «Усул ал-Баздавий» асари маълум ва машҳур бўлиб, ушбу асарда ханафий мазхабининг усул қоидалари батафсил баён этилган. Мазкур асарга ўндан ортиқ шарҳлар ёзилган.

Мовароуннахрлик фақиҳ Шамсул-аймма Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Саҳл Сарахсий (ваф. 483/1090 й.) ҳам усул илмига оид «Усул ас-Сарахсий» асарини ёзган. Ушбу Абу Бакр Жассос (ваф. 369/980 й.)нинг «ал-Фусул фи ал-усул» асари асосида ёзилган.

Ханафий-мотуридий олимларидан бири – Абу Ҳафс Насафий (ваф. 536/1142 й.)нинг «ат-Таҳсил» (Ҳосил қилиш) китоби XII асрда ёзилган усул илмига оид саналади. Унда муаллиф фикҳ илмига оид барча қоидаларни жамлашга ҳаракат қилган. Асарда Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Кархийларнинг қарашларидан кенг фойдаланилган. Шунингдек, унда Имом Шофеий, аҳли ҳадислар ҳамда маҳаллий фақиҳларнинг усул ал-фикҳга доир қоидалари ҳам келтириб ўтилган.

Мазкур даврда Бухоро фикҳ мактаби олимларидан бири Абу Муҳаммад Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз Шаҳид Бухорий (ваф. 535/1141 й.) томонидан «Усул ал-фикҳ» (Фикҳ асослари) асари ҳам ёзилган.

Самарқанд фақиҳларидан Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандий (ваф. 553/1158 й.)нинг усул илмига оид «Мезон ал-усул фи натоиж ал-уқул» (Ақллар натижаларида асос тарозуси) номли

Аннотация. XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожининг олтин даври ҳисобланади. Ҳанафий фикҳи илмининг иккинчи йирик соҳаси «фуруъ ал-фикҳ» илми бўлиб, у «усул ал-фикҳ» илмида белгилаб берилган қоидалар асосида ишлаб чиқилган амалий ҳукмлар мажмуи ҳисобланади. Унда мужтаҳидларнинг шаръий далиллари, улар асосида чиқарилган ҳукмлар ва фатволар жамланган. Ўрганувчиларга осон бўлиши учун ҳукмлар мавзулар асосидаги матнлар шаклида тартибланган.

Мазкур даврда ўлкада ҳанафий фикҳ илмининг усул ва фуру йўналиши ҳамда уларнинг матн, жадал, хилоф, аҳком, фароиз, шурут, адаб ал-қози, ҳиял, сияр, ихтисоб, фикҳий қоидалар илми ҳамда фатво жанрларида 50га яқин машҳур асарлар таълиф этилган. XI–XII асрларда ёзилган фикҳий манбалар методологияси кейинги даврдаги асарлар ёзилишига асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу мақолада Мовароуннаҳрда ёзилган ҳанафий фикҳига оид асарлар, уларнинг жанри, услублари, муаллифларнинг ўзига хос ёндашувлари ҳамда ҳанафий фикҳ илми ривожидagi ўрни тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: XI–XII асрлар, Мовароуннаҳр, фикҳ, ҳанафий фикҳи, манба, асар, услуб, фатво, матн.

Abstract. The 11th–12th centuries are considered to be the golden age of the development of jurisprudence in Mawarannahr. The second major field of Hanafi jurisprudence is the science of «furu' al-fiqh», which is a set of practical rulings developed on the basis of the rules defined in the science of «usul al-fiqh». It contains the sharia arguments of mujtahids, rulings, and fatwas based on them. The judgments are arranged in the form of texts based on topics for the convenience of learners.

In this period, about 50 famous works were written in the field of usul and furu of Hanafi jurisprudence, as well as their branches of matn, jadal, khilaf, ahkam, faraid, shurut, adab al-qadi, hiyal, siyar, ikhtisab, science of fiqh rules, and fatwa. The methodology of jurisprudential sources written in the 11th–12th centuries served as the basis for the writing of the works of the next period.

This article examines the works of Hanafi jurisprudence written in Mawarannahr; their genres, styles, authors' unique approaches, and their place in the development of Hanafi jurisprudence.

Keywords: XI–XII centuries, Mawarannahr, jurisprudence, Hanafi jurisprudence, source, work, method, fatwa, text.

Аннотация. XI–XII века считаются золотой эпохой развития юриспруденции (фикха) в Мавераннахре. Вторым крупным направлением ханафитской школы фикха является «фуру аль-фикх» («ответвления фикха»), представляющий собой набор практических предписаний, разработанных на основе правил, установленных в «усуль аль-фикх» («основа [корни] фикха»). Данное направление объединяет в себе шариатские доказательства муджтахидов, постановления и фетвы, вынесенные на их основе. В целях облегчения изучения, предписания структурированы в виде тематических текстов.

В указанный период в этих краях были написаны около 50 известных произведений по направлениям «усуль» и «фуру» ханафитской школы фикха, в том числе по таким их жанрам, как «матн» (текст), «джадал» (полемика), «хилаф» (разногласия), «ахкам» (предписания), «фараид» (распределение наследства), «шурут» (договора), «адаб аль-қади» (кодекс поведения қадиев [судей]), «хийаль» (стратагемы), «сийар» (международные отношения), «ихтисаб» (ревизия), правила фикха и фетвы. Методология юридических источников, написанных в XI–XII веках, послужила основой для создания произведений в последующие периоды.

В данной статье рассматриваются труды по ханафитской школе фикха, написанные в Мавераннахре, их жанры, методология, специфические подходы авторов и их роль в развитии ханафитской школы фикха.

Ключевые слова: XI–XII века, Мавераннахр, юриспруденция, ханафитское правоведение, источник, труд, метод, фетва, текст.

кичик ҳажмли рисоласи бўлиб, унинг замонавий наشري 1984 йилда Қатарда чоп этилган. Мазкур асарда асосий усулий қоидалар билан бирга, ҳукмлардаги таоруз, таржих, насх қонун-қоидалари ҳам баён этилган. Рисола охирида ижтиҳод ва мужтаҳидлик масалалари ҳақида сўз боради.

Фикҳ илмининг иккинчи йирик соҳаси «фуру ал-фикҳ» илми бўлиб, у «усул ал-фикҳ» илмида

белгилаб берилган қоидалар асосида ишлаб чиқилган амалий ҳукмлар мажмуи ҳисобланади. Унда мужтаҳидларнинг шаръий далиллари, улар асосида чиқарилган ҳукмлар ва фатволар жамланган. Ўрганувчиларга осон бўлиши учун ҳукмлар мавзулар асосидаги матнлар шаклида тартибланган. Тили равон, халқчил, замон ва макон шароитлари инобатга олинган, замонавий масалалар ҳамда фатволар киритилиб, мазҳаблар

хукмлари қиёсланади. XI–XII асрларда «фуру ал-фикҳ» илмига оид кўплаб фикҳий матнлар ёзилган.

Ханафий фикҳий матнлари ҳақида сўз борганда, албатта, Абул Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурий (ваф. 428/1037 й.)нинг «Мухтасар ал-Қудурий» асари тилга олинади (А.Лакнавий, 1998:155). Чунки, мазкур асар фикҳий матнлар орасида энг биринчиси ҳамда кейинги асарлар учун намуна бўлиб хизмат қилган саналади. Кейинги даврда ёзилган барча фикҳий матнлар ушбу асарга шарҳ сифатида ёки унинг мавзулари доирасида ёзилган. Шу боис, ушбу асар кейинги аср уламоларининг мазкур йўналишдаги асарларига асос бўлган. Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657 й.)нинг таъкидлашича, ханафийликда «Китоб» деб айтилса, ушбу асар назарда тутилган бўлади. Мазкур асарда 12 мингта фикҳий масала баён этилган. Унга ёзилган шарҳлар орасидан 15 таси маълум ва машҳур.

Мовароуннаҳр ханафий фақиҳи Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 393/1003 й.)нинг «Хизонат ал-фикҳ» (Фикҳ хазиналари) асари ўлкада ёзилган фикҳий матн йўналишидаги илк асарлардан биридир. Мазкур китоб: 42та мустақил китоб (бўлим), 54та боб, 45та матлаб ва 5та масаладан иборат. Ҳар бир мавзу аввалида умумий тушунчалар берилган. Асарга ханафий фикҳининг бошқа манбаларидан фарқли равишда, фароиз ва масжид одоблари бўлими ҳам киритилган. Мазкур асар Салоҳиддин Ноҳий томонидан 1966 йилда Бағдодда, муаллифнинг «Уюн ал-масоил» китоби билан бирга нашр этилган.

Ханафий фикҳида энг эътиборли манбалардан бири Шамсул аимма Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (ваф. 483/1090 й.)нинг «ал-Мабсут» (Батафсил баён этилган) асаридир. Ушбу асар Ҳоким Шаҳиднинг «ал-Кофий» (Кифоя қилувчи) китобига ёзилган шарҳ саналади. Сарахсийнинг Ўзгандда ёзила бошлаган ушбу асари 477/1084 йилда Фарғонада ёзиб тугатилган. 15 жилдан иборат ушбу асар, фикҳий матнлар орасида ҳажми катта ва мавзу жиҳатдан энг кенг асар ҳисобланади. Ушбу асарда нафақат ханафий мазҳабига тегишли масалалар, балки айрим масалалар юзасидан шофеий, моликий ва ханбалий мазҳабининг далиллари ҳам келтириб ўтилган.

Ханафий фақиҳлари орасида «Мабсут» номи билан асар ёзиш ўзига хос анъанага айланган. Жумладан, XI–XII асрларда шайхул

ислом Хоҳарзода (ваф. 483/1090 й.), Шамсул-аимма Ҳалвоний (ваф. 456/1063 й.), Абул Уср Паздавий (ваф. 484/1091 й.) Абул Юср Паздавий (ваф. 493/1099 й.), Абу Лайс Самарқандий (ваф. 393/1003 й.) ва Носируддин Самарқандий (ваф. 556/1161 й.) каби ханафий фақиҳлари томонидан «ал-Мабсут» номли асарлар ёзилган.

«Бидоят ал-мубтадий» (Фикҳни ўрганишни бошловчилар учун бошланғич кўлланма) асари Бурҳониддин Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Фарғоний Риштоний Марғиноний (ваф. 593/1197 й.) томонидан Қудурийнинг «Мухтасар ал-Қудурий» ва Муҳаммад Шайбонийнинг «ал-Жоме ас-сағир» асари асосида ёзилган. Ушбу асар 58 та бўлимдан иборат.

XII асрда Мовароуннаҳрда ёзилган фикҳий матнлардан бири – Алоуддин Самарқандий (ваф. 538/1144 й.)нинг «Тухфат ал-фуқаҳо» (Фақиҳлар тухфаси) номли асаридир. Мазкур асар кенг матндан иборат бўлиб, «Мухтасар ал-Қудурий» асари асосида ёзилган. Унда муаллиф фикҳий масалаларни енгил услуб ва равшан иборалар билан баён этган бўлиб, бу ўқувчига сўзларни тушуниш ва масала моҳиятини осон англаш имконини берган. Шу билан бирга, асарда ҳар бир масала юзасидан аҳл ас-сунна ва-л-жамоанинг тўрт мазҳаб қарашлари ҳамда ханафий мазҳаби асосчиларининг фикрлари қиёсланган.

Самарқанд фикҳ мактаби вакилларида бири Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Алоуддин Косоний (ваф. 539/1145 й.) ҳам ханафий фикҳий матнлари орасида ўзига хос нуфузга эга бўлган «Бадое ас-саное фи тартиб аш-шарое» (Шариат тартибидаги бадий санъатлар) номли асар муаллифи саналади (Косоний, 1997:560). Ушбу асар Алоуддин Самарқандийнинг «Тухфат ал-фуқаҳо» асари шарҳи бўлишига қарамасдан, мустақил кўринишда, боб ва фасллар янгидан тартибланган. Сўзма-сўз шарҳ берилмаган. Мазҳаблар ўртасидаги фикҳий қарашлар келтириб ўтилган. Ҳар бир мавзуга оид ханафий мазҳаби мужтаҳидларининг қарашлари ҳамда Шофеий ва моликий мазҳаби фикҳий қарашлари келтириб ўтилган. Энг қувватли қараш таржих этилганидан сўнг, унга ақлий ва нақлий далил келтирилган. Асар бир неча марта нашр этилган.

Носируддин Носируддин Самарқандий (ваф. 556/1161 й.) нинг «ал-Фикҳ ан-нофе» (Фойдали фикҳ) асари ҳам ханафий фикҳининг мўътабар фикҳий матнларидан ҳисобланади. Мазкур асар 555/1160 йил – муаллиф ҳаётининг сўнгги

йилларида ёзилган бўлиб (Судуний, 1992:455), у 64 та китоб (бўлим), 146 та катта-кичик боб ва фасллардан иборат. У «Китоб ат-таҳорат» (Поклик бўлими)дан бошланиб, «Китоб ал-хунаса» (Хунаса ҳақида бўлим) билан якунланган. Ҳар бир бўлимга, баъзан боб ва фаслларга ҳам, унда баён этилган мавзуни ифодаловчи номлар берилган (А.Лакнавий, 1998:219).

«Ал-Фикҳ ан-нофе» асарининг ўзига хос жиҳатларидан бири – Носируддин Самарқандий асарни Қуръон оятлари, ҳадислар, саҳобаларнинг сўзлари, қиёс, ҳанафий мазҳаби имомларининг қарашларига таянган ҳолда ўз сўзи билан баён этган. Ҳар бир мавзуни далиллар билан ёритиб беришга ҳаракат қилган. Фикҳий масалалар баёнида шофеий ва моликий мазҳаби қарашлари ҳамда уларнинг далилларини келтириб, ҳанафий мазҳаби қарашлари билан қиёслаган. Шу нуқтаи назаридан, «ал-Фикҳ ан-нофе» асари қиёсий фикҳ борасида ёзилган дастлабки асарлардан бири саналади. «Ал-Фикҳ ан-нофе» асари ёзилишида Имом Сарахсийнинг «ал-Мабсут» асаридан истифода этилган. Асарнинг биргина ибодат қисмига тегишли 74та масалада «ал-Мабсут»дан иқтибослар келтирилган. Шу билан бир қаторда, Самарқандий аҳл ас-сунна ва-л-жамоанинг бошқа мазҳаб қарашларини баён этишда ўша мазҳабнинг мўътабар манбаларига таянади. Жумладан, шофеий мазҳаби ҳукмларини Имом Шофеийнинг «ал-Умм» ва шофеий мазҳабининг машҳур олими Абу Исҳоқ Шерозий (ваф. 476/1083 й.) нинг «ал-Мазҳаб фи ал-фикҳ аш-шофеий» китоби асосида келтириб ўтган (Самарқандий, 2000:108). Биргина «Никох» китобининг ўзида 8та масалани баён этишда ушбу асарлардан истифода этилган. Бугунги кунда Ирландия, Германия, Туркия, Саудия Арабистони, БАА, Ироқ, Сурия, Миср, Тунис ҳамда Ўзбекистонда асарнинг 37та қўлёзма нусхалари сақланади (Самарқандий, 2000:55).

Ҳанафий фикҳий асарлар орасида Бурҳониддин Марғинонийнинг қаламига мансуб «ал-Ҳидоя шарҳ ал-бидоят ал-мубтадий» («Бидоя ал-мубдати»нинг шарҳи ҳидоя) асари алоҳида ажралиб туради. Ушбу асар 57та бўлим, 168та боб ва 153та фаслдан иборат. Асарга юздан ортик шарҳ ва хошиялар битилган. Мазкур асар ёзилганидан буён, ҳанафий фикҳидан асосий дарелик сифатида, ислом билим юртларида ўқитилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда ёзилган ҳанафий мазҳабининг фикҳий мўътабар манбалари ўз соҳасининг етук олимлари, ишончли

фақиҳлари томонидан ёзилган. Мазкур асарлар: заиф ривоятлар, кучсиз сўзлардан холи, фикҳий ихтилофларнинг барчаси келтириб ўтилмагани, ўқилиши осон, далил ва ҳужжатлар зикр этилмаслиги, қисқа ва ёдлашга осон бўлиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга, мазҳаблар ўртасидаги фикҳий ихтилофлар ҳам зикр этилган бўлиб, бу эса мазҳаблар ва уларнинг далиллари борасидаги фикҳий масалаларни тўғри ва чуқур англаш, қиёсий тадқиқ эта олиш кўникмасининг шаклланишида муҳим саналади.

XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда ёзилган асар йўналишларидан бири фатво йўналишида ёзилган тўпламлардир. Ушбу фатво тўпламлари ҳанафий мазҳабининг машҳур уламолари ва фақиҳлари томонидан тузилган бўлиб, уларда диний-ижтимоий масалалар савол-жавоб тарзида ё мавзуларга ажратилган ҳолатда баён этилган.

Абу Лайс Фақиҳ Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий (ваф. 393/1003 й.)нинг «Фатово Аби Лайс» (Абу Лайс фатволари) номли фатволар тўплами мазкур даврда ёзилган энг нодир асар ҳисобланади (Аминов Х., Примов С., 2017:78). Муаллиф асар муқаддимасида ўнга яқин фақиҳларнинг номларини тилга олиб, ўзининг «Уюн ал-масоил» (Масалалар булоқлари) ҳамда «ан-Навозил» (Бошга тушган нарсалар) асарларида уларнинг фатволаридан фойдаланганини баён этган. Муаллиф фикрича, ҳодиса ва воқеалар тўхтамай содир бўлиб турганидан, янги-янги фатволарга эҳтиёж тушади. Барча фатво тўпламларидаги фатволар ҳамма ҳодиса ва воқеаларга жавоб бера олмайди. Янги-янги фатво тўпламларига мухтожлик бўлаверади. Абу Лайс Самарқандий мазкур фатво тўпламида мана шундай янги ва тез-тез содир бўлиб турадиган воқеа ва ҳодисаларга жавоб тарзидаги фатволарни тўплашга ҳаракат қилган. Асар «фалончига бундай савол тушди, у бундай деб фатво берди», тарзида тузилган. Ҳар бир масалага муаллиф: «Фақиҳ бундай дейди», деб ўз фикрини билдириб кетган. Асарга фатво бериш ва олиш одоблари, жоҳил ҳамда бидъатчиларга раддия, ҳикоялар ва тарихий воқеалар каби боблар ҳам илова қилинган. Ҳикоя ва тарих бобида ҳанафий олимларининг ҳаётидан олинган лавҳалар, ҳанафий олимларнинг номлари, вафоти ва таваллуд саналари ҳақидаги маълумотлар киритилган.

Абу Али Ҳасан ибн Яҳё ибн Али ибн Абдуллоҳ Зандавистий Бухорий Мубтағий Ҳанафий (ваф. 400/1010 й.)нинг «Назм ал-фикҳ» (Фикҳ тартиби) асари мухтасар ҳолдаги фатво тўплами бўлиб,

фатволар тартибли, «Фалон масала мана шунча», «Фалончи бу масаланинг шунча эканини айтган», тарзида рақамланиб, унинг сони баён этилган. Масалан, таҳоратнинг суннати шунча, имомга эргашишнинг турлари бунча, закот шунча одамга фарз бўлади ва ҳоказо тарзида тузилганки, уни ўқиш ҳам, тушуниш ҳам анча осон. Асарнинг замонавий наشري мавжуд эмас.

Фахруддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий (ваф. 522/1128 й.)нинг «Хизонат ал-фатово» (Фатволар хазинаси) асари ҳам фатво йўналишида ёзилган асарлардан бири бўлиб, у Захириддин Кабир Али ибн Абдулазиз Марғиноний (ваф. 506/1112 й.)нинг шогирди эканини асарининг «Закот бўлими»да алоҳида тилга олган. Асар муқаддимасида муаллиф аввал ёзган «Мажма ал-фатово» (Фатволар мажмуаси) асарини ҳамда олдин ўтган фақиҳларнинг 20га яқин фатво тўпламларини тилга олиб, улардан истифода этган ҳолда катта-кичикнинг ёдлаши ва мутолааси учун қисқа фатво тўплами тузаётганини билдирган. Асар одатдагидек «Китоб ат-таҳорат» (Поклик бўлими)дан бошланган ҳамда «Адаб ал-муфтий» (Муфтий одоби) билан тугалланган. Мазкур фатво тўплами ҳам нашр этилмаган. Шунингдек, Қози Жакан Ҳиндий (ваф. 920/1514 й.) қаламига мансуб «Хизонат ал-фатово» номли асар ҳам мавжуд.

Абул Фатҳ Абдуррашид ибн Абу Ҳанифа ибн Абдурраззоқ ибн Абдуллоҳ Валволижий (ваф. 539/1145 й.)нинг «Фатово Валволижия» (Валволижийнинг фатволари) номли асари. Муаллиф асарнинг муқаддима қисмида Ҳусомиддин Садр Шаҳид (ваф. 546/1151 й.)нинг фатволаридан энг муҳимларини олиб, қайта ишлаб янги фатво тўплами тузганини қайд этади. Асар «Намоз бўлими»дан бошланган бўлиб, унга таҳорат масалалари ҳам киритилган. Мазкур фатво тўплами яна бир ханафий олими Абул Макорим Исҳоқ ибн Абу Бакр Валволижий (ваф. 710/1310 й.)га ҳам нисбат қилинади.

Ифтихоруддин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид Бухорий (ваф. 542/1148 й.)нинг «Хулоса ал-фатово» (Фатволар хулосаси) асари фатво тўпламлари орасида ажралиб туради. Муаллиф муқаддимада китобини «Хизонат ал-воқеот» (Воқеалар хазинаси) ҳамда «Китоб ан-нисоб» асарлари асосида қисқартириб тузганини ёзади. Асарнинг ҳар бир китоб (бўлим)и аввалида ундаги фасллар ва мавзулар баён этилган. Мазкур фатво тўплами 4 жилддан иборат бўлиб, биринчи

жилдда – 6 та, иккинчи ва учинчи жилдда – 3 тадан, тўртинчи жилдда эса – 35 бўлим мавжуд.

Шайхулислам Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн Сўғдий (ваф. 461/1069 й.)нинг «ан-Нутаф фи ал-фатово» (Фатволар ҳақида қатрлар) асари мазкур даврда ёзилган фатво тўпламларидан саналади. Мухтасар, қисқа иборалар билан тузилган. Бошқа фатво тўпламларидан кўра, фикхий матнларга ўхшаб кетади. Унда ханафий фақиҳларининг фатволари нақл қилингани боис, фатво тўпламлари каторидан саналади.

Абу Муҳаммад Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Ҳусом Шаҳид Бухорий (ваф. 535/1141 й.) томонидан тузилган «Фатово ал-кубро» (Катта фатволар) ва «Фатово ас-суғро» (Кичик фатволар) номли катта-кичик фатволар тўплами мавжуд. Мазкур икки асарни хоразмлик фақиҳ Нажмиддин Юсуф ибн Аҳмад Хоразмий Хосий (ваф. 634/1237 й.) янада қисқартириб, қайта ишлаган.

Рукнуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Абул Мафохир ибн Абдуррашид ибн Наср Кирмоний (ваф. 577/1182 й.)нинг «Жавоҳир ал-фатово» (Фатволар жавоҳири) номли асари мавжуд (Аминов Ҳ., Примов С., 2017:85). Олим ушбу асарни устози Рукнуддин Абул Фазл Абдуррахмон Кирмоний (ваф. 543/1148 й.)га тегишли бўлган фатволар тўплами асосида тартибга солган. Муаллиф фақиҳ қози ал-қузот Жалолиддин Мутаҳҳар ибн Ҳусайн Яздий (ваф. 591/1194 й.)нинг тавсияларига ҳам аҳамият қилиб, асарнинг ҳар бир бўлимидаги аввалги бобларида ушбу фақиҳларнинг фатволарини келтирган. Асарда ҳар бир бўлим, асосан, олтита бобдан ташкил топган. Биринчи бобда – Рукнуддин Абул Фазл Кирмоний, иккинчи бобда – Жамолиддин Яздий, учинчи бобда – Ато ибн Ҳамза Саъдий (XI аср), тўртинчи бобда – Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий (ваф. 536/1142 й.), бешинчи бобда – Абу Муҳаммад Сулаймон Кирмоний, олтинчи бобда – мутааххир уламоларнинг фатволари баён этилган. Бўлим мавзуси ва ҳажми катта бўлса, боблар ҳам кўпайган ва уламоларнинг фатволари исмлари келтирилган ҳолда зикр этилган. Асар, анъанага кўра, «Поклик бўлими»дан бошланган ва эътиқодлар ҳақидаги бўлим билан тугаган. Аҳамиятлиси, асарга Абу Ҳанифанинг маноқиби ҳақидаги боб ҳам киритилган. Мазкур фатво тўплами нашр этилмаган. Унинг Темурийлар даврининг қозиларидан бири – Ихтиёриддин ибн Гиёсиддин Ҳиравий томонидан 889/1484 йилда

МУҲОКАМА

кўчирилган ноёб қўлёзма нусхаси Ўз РФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланади.

Зайниддин Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар Аттобий Бухорий (ваф. 586/1190 й.)нинг «Фатово ал-аттобия» (Аттобликнинг фатволари) асари. Ушбу фатво тўпламининг бошқа номлари «ал-Жавоме ал-фикҳ» (Фикҳ тўпламлари) ва «ал-Жоме ал-фикҳ» (Фикҳ тўплами) ҳам деб аталади. Унинг муаллифи «Кашф аз-зунун» (Гумонларни очиш) китобида унинг тўрт жилддан иборат эканини қайд этган. Аттобий асар мукаддимасида ҳодиса ва воқеаларда эҳтиёж тушадиган масалаларни йиғишга ҳаракат қилганини баён этган ва 30 нафарга яқин ҳанафий фақиҳларининг номларини келтириб, уларнинг фатволаридан фойдаланганини, истифода асносида уларнинг фақат номлари ёки нисбаларини зикр қилиб кетганини қайд этган.

Ҳанафий фикҳида нодир фатво тўпламларидан бири «Фатово Қозихон» (Қозихоннинг фатволари) асаридир. Манбаларда «Фатово ал-хония» ёки «ал-Хония» номи билан ҳам зикр этилади. Унинг муаллифи – Фахриддин Қозихон Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Ўзжандий (ваф. 592/1196 й.). Асарда воқеликда кўп содир бўладиган масалалар тўпланган. Асарнинг мукаддима қисмида фатво олиш одоблари, расм-русумларига тўхталиб ўтилган.

Абу Наср Алоуддин Абдулкарим ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Аббос Динорий (ваф. 593/1197 й.)нинг «Фатово ад-динория» (Динорийнинг фатволари) асари ҳам машҳур фатво тўпламларидан бири бўлиб, Астробод яқинидаги Динор шаҳарчасига нисбатан берилган. Мазкур асар ҳанафий фикҳига оид форс тилидаги энг қадимий фатво тўпламларидан бири саналади. Асарда муаллиф «ан-Навозил» ва «ал-Воқеот» масалаларини форс тилида жамлашга киришганини ва унга «Ужубат ал-фатово» (Ажабланарли фатволар) деб ном қўйганини қайд қилган. Асар муаллифга берилган саволларга жавоблар тарзида, бўлим, боб ва фаслларга ажратилмасдан тузилган. Кейинчалик муаллиф уни 40 та боб ва ички қисмларга ажратиб, «ал-Мутажонис мин ужубат ал-фатово» (Ажабланарли фатволардан ҳамжинслари) деб номлаган. Мазкур фатво тўплами «Суила» (сўралди), «Ужиба» (жавоб берилди) тарзида – савол-жавоб шаклида тартибга солинган (Аминов Х., Примов С., 2017:89).

Ислом фикҳи ўз ривожланиш жараёнида «усул» ва «фуру» илмини тўлдирувчи бошқа яна бир қанча соҳаларни юзага келтирди. Тадқиқотчилар уларга қуйидагиларни киритади:

Аҳком илми – фикҳий масалаларнинг далилларини келтириш, уларни ўрганиш ва таҳлил этиш билан шуғулланувчи фан. Бу соҳада, дастлаб, Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний «ал-Осор» (Асарлар) номли китоб ёзган. Кейинчалик эса, Абу Жаъфар Таҳовий (ваф. 321/933 й.) «Шарҳ маон ал-осор» (Асарлар маънолари шарҳи) ва «Мушкул ал-осор» (Асарларнинг мушкул ўринлари) асарларини ёзади. Абдуллох Субазмуний (ваф. 341/952 й.)нинг «Кашф ал-осор» номли китоби мавжуд. Шунга қарамасдан, кейинги аср уламоларининг бу йўналишдаги асар ёзгани маълум. Жумладан, XX аср уламоларидан бири Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий (ваф. 1395/1975 й.)нинг «Эъло ас-сунан» (Суннатларни олий қилиш) асари мазкур жанрда ёзилган замонавий китоблар орасида эътиборга молик асарлардан ҳисобланади.

Хилоф илми – киёсий ҳуқуқшунослик фани бўлиб, «усул ал-фикҳ»нинг асосий йўналишларидан бири саналади. Бу илм «фикҳи мукорин», «назар илми» каби номлар билан ҳам аталади. Хилоф илмининг пайдо бўлиши XI асрга тўғри келади. Бу илмнинг асосчиси мовароуннаҳрлик фақиҳ Абу Зайд Дабусий Бухорий (ваф. 430/1039 й.) ҳисобланиб, мазкур фанга олимнинг «ат-Таъсис ан-назар» (Қарашларни асослаш) ҳамда «Тақвим ал-адилла» (Далилларни баҳолаш) асарлари асос бўлган. Шунингдек, бу даврда Абу Лайс Самарқандий (ваф. 393/1003 й.)нинг «ал-Мухталиф ар-ривоя» (Ривоят ихтилофи), Абу Ҳафс Насафий (ваф. 536/1142 й.)нинг «Манзума фи ал-хилоф» (Хилоф ҳақида манзума) ҳамда Разиюддин Сарахсий (ваф. 571/1175 й.)нинг «ат-Тариқа ар-ризвия» (Рози бўладиган йўл) асарлари ушбу жанрга оид манбалардан саналади (Бағдодий, 2008:125).

Жадал илми – мунозара услубларини ўрганадиган фан соҳаси бўлиб, бу фақиҳ ва мазҳаблар ўртасидаги мунозара одоблари ҳамда қоидаларини белгилаб беради. Бу илм соҳасига ҳам XI асрда асос солинган. Унинг асоси Фахрулислом Паздавий (ваф. 482/1089 й.)нинг «Усул ал-Паздавий» ва Рукнуддин Омидий (ваф. 615/1218 й.)нинг «ал-Иршод» (Йўлланма) китоби бўлиб, Абу Ҳафс Насафийнинг «ал-Фусул»

(Фасллар) китоби ҳам шу соҳага оид асар саналади.

Шурут илми – ҳукукий шартномалар ва уларни тузиш қонун-қоидаларини ўрганувчи фан соҳаси бўлиб, бу илк бор Муҳаммад Шайбонийнинг «ас-Сияр ал-кабир» асарида тилга олинган. Шурут илмидаги энг эътиборли манбалар: Абу Жаъфар Таҳовийнинг «ал-Жоме ал-кабир фи аш-шурут» (Шурут ҳақида катта тўплам) ва «ал-Жоме ас-сағир фи аш-шурут» (Шурут ҳақида кичик тўплам) китоблари, Хассоф (ваф. 261/875 й.)нинг «Китоб аш-шурут ал-кабир» (Шурут ҳақида катта китоб) ҳамда «Китоб аш-шурут ас-сағир» (Шурут ҳақида кичик китоб) асарлари ҳисобланади. Шурут илми борасида XII асрда ҳам китоблар ёзилган. Абу Наср Самарқандий (ваф. 550/1155 й.) «Китоб аш-шурут вал васоик» (Васиқа ва шартномалар китоби) номи асарини таълиф этиш орқали «шурут илми» ривожига ҳисса қўшган.

Фароиз илми – фикҳ илмининг алоҳида йўналишларидан бири бўлиб, мерос ҳукуқи ва мерос тақсиротини ўз ичига олади. Мовароуннаҳрда XI–XII асрлар фароиз илми борасида бир қанча асарлар яратилган. Бурҳониддин Марғиноний (ваф. 593/1197 й.)нинг «Фароиз ал-Усмония» ҳамда Маҳмуд Замахшарий (ваф. 538/1144 й.)нинг «ар-Роиз фи ал-фароиз» (Фароиз илмида машқ килдирувчи) китоблари мазкур даврда ёзилган. Шунингдек, ҳанафий фикҳи классик матн китобларининг айримларида мерос ва васият масалаларига оид алоҳида бўлим ва боблар киритилган (Зириклий, 1665, 256).

Адаб ал-казо – ҳукм юритиш одоблари мавзусига оид соҳа. Унда қозининг ҳолати, ўзини тутиши, ҳукм юритиш қоида ва одоблари, бошқа қози ва аҳоли билан муомаласи ҳамда шу каби бошқа масалалар баён этилган. Ҳанафий фикҳида бу борада Абу Юсуфнинг «Адаб ал-қози» номи китоби илк манба ҳисобланади. Бу илм соҳасида кейинги асрларда кўп асарлар ёзилди. Жумладан, Кудурий (ваф. 428/1037 й.), Шайхул ислом Суғдий (ваф. 461/1069 й.), Шамсул-аймма Ҳалвоний (ваф. 456/1063 й.), Имом Сарахсий (ваф. 483/1090 й.), Ҳусом аш-Шаҳид (ваф. 546/1151 й.), Хоҳарзода (ваф. 483/1090 й.) ҳамда Қозихон (ваф. 592/1195 й.) нинг асарлари ушбу соҳада катта шухрат қозонган (Л.Асророва, 2014:25).

Ҳиял илми – шариатда руҳсат этилган тадбирлардан ҳалол мақсадларга эришиш учун ҳийлалардан фойдаланишни ўрганувчи соҳа. Бу

соҳа «ҳийлаи шаръия» деб аталади. Шунингдек, «ал-Махориж» (Чиқиш ўринлари) номи билан ҳам аталади. Муҳаммад Шайбонийдан «ал-Ҳиял ва-л-махориж» (Ҳийлалар ва чиқиш ўринлари) номи асари ривоят қилинган. XII асрда яшаган Мовароуннаҳр фақиҳларидан бири – Сирожиддин Ўший (ваф. 575/1179 й.) «Фатово ас-сирожия» асарида «ҳийлаи шаръия»га алоҳида боб ажратган (Судуний, 1992:306).

Сияр илми – халқаро ислом ҳукукига бағишланган фан соҳаси бўлиб, унда: мусулмон давлатлари билан бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатлар, тинчлик ва уруш масалалари, мусулмонларнинг бошқа дин вакиллари билан муносабатлари каби масалалар баён этилган. Сияр илми ҳақидаги илк асар Муҳаммад Шайбонийнинг иккита «ас-Сияр» асаридир. Шамсул-аймма Сарахсий Имом Муҳаммаднинг «ас-Сияр ал-кабир» асарига муфассал шарҳ ёзиб, ушбу илмининг Мовароуннаҳрдаги ривожига улкан ҳисса қўшган.

НАТИЖА

XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг ривожидан, ҳанафий фикҳига оид асарлар таснифи ва уларнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш асосида, мазкур даврда ўлкада ҳанафий фикҳ илмининг усул ва фуру йўналиши ҳамда уларнинг матн, жадал, хилоф, аҳком, фароиз, шурут, адаб ал-қози, ҳиял, сияр, ихтисоб, фикҳий қоидалар илми ҳамда фатво жанрларида 50 га яқин машҳур асарлар таълиф этилган. Мазкур асарларда масалаларни муайян мавзулар юзасидан тартиблаш, мавзуга доир масала ва унинг далилини келтириб ўтиш, бир мавзу юзасидан ҳанафий олимларининг қарашлари асосида якуний хулосалар чиқариш, масаланинг моҳиятини савол-жавоб тарзида очиқ бериш ва ҳар бир мавзу юзасидан аҳл ас-сунна ва-л-жамоа 4та фикҳий мазхаби қарашларини қиёслаш услублари қўлланилган.

ХУЛОСА

Мовароуннаҳр фикҳ тарихининг классик даври ҳисобланган XI–XII асрларда ҳанафий фикҳининг усул ва фуруъ илмига оид 50 га яқин машҳур асарлар яратилган. Ушбу асарлар 10 дан ортиқ жанр ва услубларда ёзилган бўлиб, унинг натижасида XI–XII асрларда ёзилган фикҳий

манбалар методологияси кейинги даврдаги асарлар ёзилишига асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, фуруъ ал-фикҳ илмига оид: Абул Хусайн Қудурийнинг «Мухтасар ал-Қудурий», Абу Лайс Самарқандийнинг «Хизонат ал-фикҳ», Имом Сарахсийнинг «ал-Мабусут», Алоуддин Самарқандийнинг «Тухфат ал-фуқаҳо», Алоуддин Косонийнинг «Бадое ас-саное фи тартиб аш-шарое», Бурхониддин Марғинонийнинг «Бидоят ал-мубтадий» ва «ал-Ҳидоя шарҳ ал-бидоят ал-мубтадий» ҳамда Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофе» каби мўътабар матнлар ҳам мазкур даврда таълиф этилган. Шу билан бир қаторда, фикҳ илмининг усул ва фуруъ илмларидан келиб чиққан хилоф ва жадал илм соҳаларига айни шу асрда асос солинган. Мазкур даврда фикҳ илмининг адаб ал-қазо, хиял, фароиз, шурут ва бошқа соҳаларида ҳам асарлар юзага келган. Айниқса, мазкур даврда энг кўп китоблар фатво йўналишида ёзилган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Лакнавий А. (1998). ал-Фавоид ал-Баҳийя. Байрут: Дорул Алқам.
2. Аминов Х., Примов С. (2017). Ҳанафий фикҳи тарихи, истилоҳлари ва манбалари. Тошкент: Мовароуннаҳр.
3. Бағдодий. (2008). Изох ал-макнун. Байрут: Дор ал-ихё ат-турос ал-арабий.
4. Ҳалифа Х. (2008). Кашфуз зунун ан асоми ал-кутуб вал фунун. Байрут: Дор ал-ихё ат-турос ал-арабий.
5. Косоний, А.Б. (1997). Бадоиъ ас-саное фи тартиб аш-шарое (Вол. 7). Байрут: Дор кутуб ал-илмия.
6. Асророва Л. (2014). Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ханафий фикҳи. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти.
7. Насафий. (2011). ал-Мустасфо. Риёд: Уммул куро.
8. Паздавий А.Й. (2005). Усул ад-Дин. Қохира: Мактаба ал-азҳария лит-турос.
9. Самарқандий Н. (1333). Китоб ал-фикҳ ан-нофе шарҳ ала ал-Қудурий. Мадина.
10. Самарқандий Н. (1372). ал-Фикҳ ан-нофе. Тошкент.
11. Самарқандий Н. (1562). Риёзат ал-ахлоқ. Риёд.
12. Самарқандий, Н. (1738). Китоб жоме ал-фатаво. Риёд.
13. Самарқандий, Н. (2000). ал-Фикҳ ан-нофе. Риёд: Мактабат ал-абикон.
14. Самарқандий, Н. (2000). ал-Мултакот. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
15. Самарқандий, Н. (2006). Риёзат ал-ахлоқ. Дамашқ.
16. Самарқандий Н. (ХИВ). ал-Фикҳ ан-нофе. Тошкент.
17. Сарахсий А. Б. (1957). Усул (Вол. 1). (А. В. Афғоний, Эд.) Ҳайдаробод: Дор ал-маориф ан-Нўъмония.
18. Сизгин, Ф. (1991). Тарих ат-турос ал-арабий. ар-Риёд: Мухаммад ибн Сауд университети нашриёти.
19. Субкий Т. (1964). Табақот аш-шофеийя ал-кубро. Байрут: Дор ихё ал-кутуб ал-арабий.
20. Судуний. (1992). Тож ат-тарожим. Байрут: Дор ал-қалам.
21. Юсупов О. (2011). Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. Тошкент: Тошкент ислом университети.
22. Зириклий Х. (1665). ал-Аълум. Байрут: Дор ал-илм ал-мулайин.

REFERENCES

1. Lucknawi A. (1998). al-Fawaid al-Bahiyya. Beirut: Darul Alqam.
2. Aminov H., Primov S. (2017). Hanafiy fiqhi tarikh, istilohlari va manbalari. Tashkent: Movarounnahr.
3. Baghdadadi. (2008). Idah al-maknun. Beirut: Dar al-ihya at-turath al-arabi.
4. Khalifa, H. (2008). Kashfuz zunun an asami al-kutub wal funun. Beirut: Dar al-ihya at-turath al-arabi.
5. Kasani A.B. (1997). Badai' as-sanai' fi tartib ash-sharai' (Vol. 7). Bairut: Dar kutub al-ilmiyya.
6. L.Asrorova. (2014). Abu Hafs Kabir Bukhoriy va hanafiy fiqhi. Tashkent: Tashkent Islamic University.
7. Nasafi. (2011). al-Mustasfa. Riyadh: Umm al-Qura.
8. Pazdawi A. Y. (2005). Usul ad-Din. Cairo: Maktaba al-azhariya lit-turath.
9. Samarqandi N. (1333). Kitab al-fiqh an-nofe' sharh a'la al-Quduri. Madinah.
10. Samarqandi N. (1372). al-Fiqh an-nafi'. Tashkent.
11. Samarqandi N. (1562). Riyadat al-akhlaq. Riyadh.
12. Samarqandi N. (1738). Kitab jami' al-fatawa. Riyadh.
13. Samarqandi N. (2000). al-Fiqh an-nafi'. Riyadh: Maktabat al-Ubaikan.
14. Samarqandi N. (2000). al-Multaqat. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
15. Samarqandi N. (2006). Riyadat al-akhlaq. Damascus.
16. Samarqandi N. (XIV). al-Fiqh an-nafi'. Tashkent.
17. Sarakhsi A.B. (1957). Usul (Vol. 1). (A. V. Afghani, ed.) Hyderabad: Dar al-ma'arif an-Nu'maniyya.
18. Sezgin F. (1991). Tarikh at-turath al-arabi. Vol. 3. Riyadh: Muhammad ibn Saud University.
19. Subki T. (1964). Tabaqat ash-shafi'iyya al-kubra. Vol. 3. Beirut: Dar ihya al-kutub al-arabi.
20. Suduni. (1992). Taj at-tarajim. Beirut: Dar al-Qalam.
21. Yusupov O. (2011). Islom ma'rifatida dunyoviy va diniy qadriyatlar uyg'unligi. Tashkent: Tashkent Islamic University.
22. Zirikli, Kh. (1665). al-A'lam. Beirut: Dar al-ilm al-malayin.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари,
докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

2/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**
Муҳаррир: **З.Фахриддинов**
Нашр учун масъул: **З.Арслонов**
Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**
Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 16.08.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 $\frac{1}{3}$.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.
Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 23/1.
Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»
МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.
100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.